

ОММАВИЙ ТАДБИРЛАР ВОСИТАСИДА БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ.

Юнусов Равшан Алимжанович

Тошкент давлат стоматология институти ёшлар масалалари ва маънавий
маърифий ишлар бўйича проректор

Аннотация. Ушбу мақолада оммавий тадбирлар воситасида бўлажак шифокорларнинг маънавий – ахлоқий сифатларини ривожлантириш, оммавий маънавий – маърифий тадбирларнинг ёшлар ҳаётига таъсири ва унинг механизлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: оммавий тадбирлар, компетенция, маънавий-ахлоқий таълим, ёшлар, маданий-маърифий.

МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННЫХ КАЧЕСТВ БУДУЩИХ ВРАЧЕЙ ЧЕРЕЗ ОБЩЕСТВЕННЫЕ МЕРОПРИЯТИЯ

Юнусов Равшан Алимжанович

Ташкентский государственный стоматологический институт проректор по
делам молодежи и духовному просвещению

Аннотация. В данной статье представлена информация о развитии духовно-нравственных качеств будущих врачей посредством общественных мероприятий, влиянии общественных духовно-просветительских мероприятий на жизнь молодежи и его механизмах.

Ключевые слова: общественные мероприятия, компетентность, духовно-нравственное образование, молодежь, культурно-просветительская.

MECHANISMS FOR DEVELOPING SPIRITUAL AND MORAL QUALITIES OF FUTURE DOCTORS THROUGH PUBLIC EVENTS

Yunusov Ravshan Alimjanovich

Vice-Rector for Youth Affairs and Spiritual Education, Tashkent State Dental Institute

Abstract. This article provides information on the development of spiritual and moral qualities of future doctors through public events, the influence of public spiritual and educational events on the lives of young people and its mechanisms.

Keywords: public events, competence, spiritual and moral, education, youth, cultural and educational.

КИРИШ. Мамлакатимизда халқаро стандартлар асосида ёшлар тарбияси, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик технологиялар, олий таълим соҳаси педагог кадрларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган тадбирлар сама радорлиги оширилиб бормоқда. “Олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш” да таълим ва тарбия соҳасида мутахассис тайёрлаш жараёнини яхлит тизим сифатида ўрганишда моделлаштириш муҳим ўрин тутди. Олий таълим тизимида таёрланаётган ёшларимиз танлаган ихтисосликлари бўйича мустақил равишда амалий фаолият кўрсата оладиган, замонавий мутахассисларни тайёрлаш жараёни ўзига хос ўрин тутди. Булғуси мутахассисларни бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олган ҳолда шахсий маънавий-ахлоқий фазилатлар шакллантиришни таъминлаши долзарб

аҳамиятга эга.

Жаҳон тизимида талабаларнинг маънавий-ахлоқий компетентлигини ривожлантириш методикалари, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш механизмлари, бўлажак шифокорларнинг ахлоқий сифатларини ривожлантиришнинг амалий педагогик тизими, ўқитиш моделлари технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштирилган интерфаол дастурлар таълим жараёнига татбиқ этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “XXI асрнинг Олий таълими” Бутунжаҳон декларацияси, ЮНЕСКОнинг “Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш” дастурий ҳужжатларида дунё миқёсида олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, модулли таълимни ташкил этишга, ўқитишнинг замонавий усуллари жорий этиш орқали талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикасини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Бугунги кунда давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори бўлган ёшларни маънавий, маданий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий етук мустақил фикрловчи баркамол авлод қилиб вояга етказишдир. Республикамиз таълим муассасаларида баркамол шахсни камол топтиришга доир меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни таълим жараёнига кенг жорий қилиш, моддий-техник базасини янгилашга, маънавий – маърифий тадбирларнинг ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабаларда ижтимоий-эмоционал ва маънавий-ахлоқий малакаларни таркиб топтириш моделлари, ахборот-коммуникация технологиялари воситасида талабалар маънавий компетентлигининг ривожлантириш ташхис этишнинг интерактив тизимини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. АҚШ, Франция, Буюк Британия, Япония каби ривожланган давлатларда бўлажак мутахассисларда замонавий шахсга хос фазилатлар мажмуининг ишлаб чиқилганлигини алоҳида эътироф этишимиз лозим.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илм-фанимизнинг ҳозирги замондаги долзарб вазифаларидан бири - ёшларни маънавий-ахлоқий жихатдан тарбиялаш, миллий ғоямизни назарий жихатдан янада такомиллаштиришдан иборат. Оммавий маданий-маърифий тадбирлар ёшларни маънавий-ахлоқий, миллий-маънавий руҳда тарбиялашда катта ўрин тутди. Маданий-маърифий тадбирни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ўтказиш орқали ёшларни миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш борасидаги фаолиятимизда юқори самарадорликка эришишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарорида “Талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларда юксак ахлоқий сифатларни тарбиялаш, уларнинг касбий компетентлиги билан инсоний фазилатларини уйғунлаштириш, профессор ўқитувчиларнинг тарбиявий масъулиятини ошириш, таълим ва тарбия уйғунлигини амалда таъминлаш учун фанларнинг ҳар бир мавзусидаги тарбиявий мақсаддан унумли фойдаланилишини таъминлаш” каби муҳим вазифаларни белгилаб берилди. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040 сон қарорида маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги, ҳалқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилиб, “тарғибот ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш” муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилди.

Таълим тизимида маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш ва уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияга йуналтирилганлигини таъминлаш таълим муассасалари раҳбарлари, аввало, ўқув юрти раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларининг вазифасидир. Шу ҳақда фикр юритар эканмиз, педагогика фанлари номзоди, доцент С.Турғунов, улар «... ўз фаолияти давомида талабаларнинг олий таълим ва ундан ташқари фаолиятидан хабардор бўлиши ва уларни назоратга олиши. маданий ва маърифий тадбирларга кенг жалб қилишнинг самарали йўллари қўллаши зарур»лигини таъкидлайди.

Профессор У.Қорабоев таъкидлашича, оммавий тадбирларни тарбиявий ва маданий иш сифатида барча давлат муассасалари, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, оммавий ахборот воситалари, санъат муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, жамоа ҳўжаликлари, муҳофаа ташкилотлари, спорт, экскурсия-туристик муассасалари, курорт, соғлиқни сақлаш ва дам олиш ташкилотлари ўз ишининг бир бўлаги сифатида, яъни асосий вазифадан ташқари ҳолда уюштириб, бу тадбирлар орқали меҳнаткашларнинг дам олишини, тарбиявий, маданий-маърифий ишларини, ҳаваскорлик ижодини ташкил қилади. Профессор Усмон Қорабоев таснифига кўра маданий байрамларнинг (тадбирларнинг) камровига қараб уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлади.

Биринчи гуруҳ – табиат ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган мавсумий байрамлар;

Иккинчи гуруҳ – инсон камолоти, оила ҳаёти билан боғлиқ бўлган оилавий маросим ва тантаналар;

Учинчи гуруҳ – жамият маънавияти, эътиқодлар билан боғлиқ диний байрамлар шулар жумласидандир.

Профессор У. Қорабоев таснифига қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, маданий-маърифий тадбирларни яна қуйидаги турларга бўлиш ҳам мумкин:

- Уюшган жамоаларда, шу жумладан, ўқув юртларида ўтказиладиган тадбирлар.
- Аҳоли турар жойларида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар.
- Уюшмаган аҳоли ўртасида ўтказиладиган тадбирлар.

Таниқли олим Э.Ғ.Ғозиев ўз тадқиқотларида мустақил тафаккурнинг ривожланиши, билим жараёнининг қизиқарли ташкил этилиши талабалар фаолиятида янги муваффақиятларга эришишнинг ижодий манбаи, деб ҳисоблайди. Э.Ғозиев тадқиқотларида талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқариш хусусиятлари, ўқув фаолиятини режалаштириш, ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи баҳолаш, инсон фаолиятини аниқлаш, ўқув фаолиятини режалаштиришни аниқлаш, мақсад қўяолишни аниқлаш, ўзини-ўзи назорат қилишни аниқлаш, бўш вақтни аниқлаш каби тушунчалар ҳақида мулоҳазалар юритади.

Демак, оммавий-маданий тадбирлар “...миллатимизга фақат ўзлигини намойиш этишининг тарихий имкониятларини яратибгина қолмай, янгилаш, фикрлаш, аниқлаш, ёшлар олдида ҳаётда ўзига муносиб ўрин эгаллаш, умуминсоний қадриятларга уйғун миллий мафкурага асосланган янгилаш маънавиятни эгаллаб олиш талабларини ҳам қўйяди”.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Оммавий маданий-маърифий тадбирларнинг маънавий-ахлоқий тарбиядаги аҳамиятини тадқиқ этиш, аввало, шу атама ва унга турдош бўлган «маънавий-маърифий тадбирлар», «маданий тадбирлар», «бадий-оммавий тадбирлар», «оммавий тадбирлар», «бадий тадбирлар» сингари атамаларнинг мазмун доираси ва моҳиятини аниқлашни тақозо этади. Оммавий маданий тадбирларни ўтказиш билан шуғулланадиган муассасалар турли-туман бўлиб, улардан ҳар бири муайян турдаги тадбирларни ўтказишга ихтисослашади: «Маданий ишларни олиб боровчи ҳар бир муассаса ўз моҳияти, хусусияти, имкониятларидан келиб чиқиб, ўзига ҳос шакл-тадбирлардан фойдаланади. Шу фикрни давом эттириб айтиш мумкинки, ўқув муассасаларида ҳам

дарс жадвали асосида ижтимоий-гуманитар фанлар буйича ўтиладиган машғулотларда маъруза, семинар каби шакллар билан чегараланиб қолмасдан, дарс жараёнида ўтиладиган мавзуларга оид маданий тадбирларнинг бошқа шакллари билан ҳам фойдаланиб, масалан, мавзули кечалар, ўткир зехнлилар бахслашувлари, илмий бахслар, мунозара, ижодий учрашув, кувноқлар ва зукколар, заковат танловлари каби шакллари билан айнан ўтиладиган курс мавзуларига боғлаб ўтказилса, машғулотларнинг қизиқарлилиги ортиши билан бирга уларнинг тарбиявий самарадорлигини ҳам кескин ошириб беради. Бу усул талабаларнинг мавзуга қизиқишларини сезиларли ўстириш билан бирга машғулотларнинг интерфаол бўлишини таъминлайди. Бу усул билан ишлаш педагогдан илмий-ижодий ёндашув, талабчанлик, ижодкорлик, ташкилотчилик, жонкуярликни талаб этади. Шу билан бирга ёшларда ҳам ташаббускорлик, ижодкорлик, масъулият, ташкилотчилик каби фазилатлар шакллана боради.

Оммавий маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда қуйидаги жихатларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ:

- ☐ оммавий маданий-маърифий тадбирларда юқори интерактивликка эришиш;
- ☐ ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини ташкил этиш;
- ☐ тадбирга комплекс ёндашиш;
- ☐ тадбирнинг маънавий-ахлоқий, миллий, тарбиявий руҳда бўлиши;
- ☐ инсон ва жамият манфаатларига уйғунлиги ва х. к.

Таълим жараёнида фақатгина маъруза ўқиш, семинар ўтказиш каби шакллар билан чекланилса, бир томондан, машғулотлар зерикарли бўлиб қолса, иккинчи томондан, таълим жараёнининг тарбиявий жихати оқсаб қолиши мумкин. Таълим жараёнига кувноқлар ва зукколар тортишувлари, илмий бахслар, мунозара, ижодий учрашув, мавзули кеча сингари маданий-маърифий тадбирларни жалб этиш машғулотларнинг жуда қизиқарли бўлишини таъминлаш билан бирга уларнинг тарбиявий жихатдан юқори самарали бўлишига ҳам қўмаклашади. Бу эса мазкур тадбирлар таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш билан бирга уларнинг ҳар иккиси ҳам юқори самарали бўлишига хизмат қилишини аниқлатади.

Педагоглар ёшлар дунёқарабини шакллантириши, уларнинг билимдонлигини ошириши ва маънавий-ахлоқий тарбия усуллари орқали маданий-маърифий ишларни узвий ҳолда ташкил қилишлари талаб этилади. Таълим муассасаларида олиб бориладиган маданий-маърифий иш аниқ мақсадга йуналтирилган педагогик жараёнга сингиб кетган бўлиши лозим. Ўқувчиларни қандай қилиб маънавий-ахлоқий тарбиялаш кераклигини аниқ режалаштирмай туриб, улар орасида бу борадаги тарбиявий ишни самарали олиб бориб бўлмайди. Бу борада иш олиб борадиган ҳар бир педагог шу тарбиянинг моҳияти, усуллари, шакллари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари ахлоқнинг бурч, виждон, ор-номус каби бир қатор категориялари билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилади, мафкурага алоҳида аҳамият берилади. Бу тарбиянинг мазмунини миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари - ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатларaro тотувлик, динларaro бағрикенглик ташкил этади. Бу жараёнда ахлоқ қуйидаги функцияларни бажаради:

- кишилар ўртасидаги турли муносабатларни мувофиқлаштириш;
- кишилар фаолиятининг инсонпарвар қадриятлари ва мўлжалларини белгилаб бериш;
- шахсни ижтимоийлаштириш таъминланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Оммавий маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда самарадорликка эришиш учун бу тадбирлар интерфаолликка асосланиши зарур. Лекин ҳар қандай тадбир ҳам интерфаол бўлавермаслигини унутмаслик керак. Маданий-маърифий тадбирни интерфаол ҳолатда ўтказмоқчи бўлган педагог, аввало, интерфаол жараённинг моҳиятини тўғри тушуниб

олиши керак. Кузатишимиздан маълум бўлдики, айрим «эски қолип»да ишлаб ўрганган педагоглар «интерактив жараёни ўқитувчининг ва ўқувчининг савол-жавоблари» деб тушунишар экан. Интерфаол жараён ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишларига кўпроқ имконият яратишни тақозо этади ва ўзаро мулоқотга киришишда ўқитувчининг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам фаоллиги назарда тутилади. Интерактив жараёнга зид ҳолат, ўқувчилар пассив томон, ўқитувчи-педагог эса фаол мавкени эгаллашидир.

Таълим тизимида олиб борилаётган оммавий маданий тадбирларни қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

1. Бевосита таълим жараёнида ўтказиладиган оммавий-маданий тадбирлар. Уларга маданий тадбирларнинг маъруза, семинар, амалий машғулот каби дарс шаклларида фойдаланиладиган турлари киради. Тадбирларнинг бу туридан фойдаланилганда дарс машғулотлари давомида монологлардан, инсценировкалардан, бадий асарлардан, видео ва аудио ёзувларидан парчалар келтирилади. Бу тадбирлар ўрганилаётган предмет, курс ёки фанни чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу билан бирга бу тадбирлар талабаларга дарс жараёнида қисқа муддатли ҳордиқ бериш функциясини ҳам бажариши мумкин.

2. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларда ўтказиладиган оммавий маданий тадбирлар. Уларгамавзули кечалар, ўткир зехнлилар бахслашувлари, ижодий учрашувлар, илмий бахслар, дам олиш кечалари, мунозара, илмий ва ижодий конференция, театрлашган концерт, оммавий томоша, сайил, байрам, карнавал, кўрик-танловлар, саёхат, экскурсиялар, олимпиада, кўргазмалар, қизиқарли ўйинлар, бадий-спорт тадбирлари, бадий ҳаваскорлик тўғараклари ва бошқалар киради. Оммавий маданий-маърифий тадбирларнинг бу икки тури бир-биридан фақат ўтказиладиган вақти билан фарқланмайди. Уларнинг мақсадлари ҳам бир. Машғулотлар жараёнида ўтказиладиган тадбирларнинг мақсади шу машғулотда ўрганилаётган мавзунини чуқурроқ англаш, яхшироқ эслаб қолишга хизмат қилишдир. Масалан, оммавий-маданий тадбирлар сирасига кирадиган “Наврўз”байрами ҳам “...барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбида энг гўзал ва олийжаноб туйғуларни уйғотади”.

Ёшларнинг бўш вақтларида ўтказиладиган тадбирлар муайян бир мавзуга эмас, балки барча учун умумий бўлган йўналишда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Булар жумласига мавзули кечалар, ўткир зехнлилар бахслашувлари, ижодий учрашувлар, илмий бахслар, дам олиш кечалари, мунозара, илмий ва ижодий конференция, театрлаштирилган концерт, оммавий томоша, сайил, байрам, карнавал, кўрик-танловлар, саёхат, экскурсиялар, олимпиада, кўргазмалар, қизиқарли ўйинлар, бадий-спорт тадбирлари, бадий ҳаваскорлик тўғараклари ва бошқалар киради. Бу тадбирларда кўнгил очиш кўпроқ ўрин эгаллайди. Лекин, одатда бу тадбирларда мазкур ўқув юрти хусусиятлари, йўналиши ҳам муайян даражада акс этади.

ХУЛОСА

Талабалар онгига миллий ғояни сингдириш бугунги кун таълим тизимида олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг марказида турибди. Бу мақсадга эришиш йулида таълим-тарбиянинг турли усул ва воситаларидан фойдаланилмоқда. Кузатувларимиз баъзи ўқув юртларида миллий истиқлол ғояси бўйича маърузалар, семинарлар кўпроқ эътибор берилиб, дарслардан сўнг ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларга етарли аҳамият берилмаётганини кўрсатди. Холбуки, бундай тадбирлар ёшларни тарбиялашда ва улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда улкан аҳамиятга эга. Мамлакатимиз таълим тизимида интерфаол усуллардан фойдаланишга катта аҳамият берилаётган ҳозирги кунда оммавий маданий-маърифий тадбирларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Илғор ўқитувчиларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, маданий-маърифий тадбирлардан таълим жараёнида фойдаланиш талабалар фаоллигини кескин

оширади. Бундан ташқари, машғулоти ўтказишнинг ролли ўйин, хизмат ўйинлари сингари шакллари, асли мохиятига кўра, маданий тадбирдир. Чунки улар таълим шакллари билан санъат элементларининг қўшилиб кетиши натижасида вужудга келган. Дарс жараёнида бадиий асарлардан парчалар келтириш, шеърларни ифодали ўқиш, сахна асарларидан парчалар кўрсатиш ўқувчиларнинг ҳам ақлий, ҳам хиссий-эмоционал фаоллигини кескин оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. –Т.: Шарқ нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таъририяти. 2002. –Б. 3,15
2. Мазаев А.И. Праздник как социально-художественное явление. –М.: Наука. 1978. С. 172
3. Янги Ўзбекистоннинг истеъдодли ёшлари. –Т.: Таълим нашриёти. 2021. Ўзбекистон ёшлари – учинчи ренессанснинг асосий драйвери. Илмий ишлар тўплами. 3-китоб. –Б. 334-335
4. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In Archive of Conferences (pp. 44- 48).
5. Mirzahamdamovna, K. B., Erkinovna, A. N., & Jumadillaevich, S. R. (2021). Use of Innovative Educational Technologies in Fine ARTS Classes of Higher Education Institutions. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 2(4), 25-27.
6. Нажметдинова, М. (2022). Оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асослари. Общество и инновации, 3(3/S), 473-479.
7. <https://cyberleninka.ru/article/n/ommaviy-madaniy-tadbirlarni-tashkil-ilishning-innovatsion-omillari>